O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№42 (695) 2023 йил 23 май, сешанба

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 май куни мактабгача таълим ва мактаб таълими тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилди. Бу борадаги энг катта соҳалардан бири таълимдир. Уни изчил ривожлантириш мақсадида, маъмурий ислоҳотлар доирасида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ташкил этилди. Тизимни таркибий мақбуллаштириш, замонавий дастурларни жорий қилиш, ходимларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда.

Тақдимотда шу борадаги режалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бошланғич синфларда хорижий тажриба асосида янги ўқув дастури жорий қилинади. Юқори синфларда ўқитиладиган фанлар 16 тадан 11 тага камайтирилиб, дастурларнинг фанлараро ва синфлараро интеграцияси таъминланади. Бунда 11 та мажбурий ва 2 та танлов фани татбиқ этилади. Янги ўқув йилидан информатика фани 1-синфдан ўргатилади.

Ҳозирда мавзуларнинг 70 фоизи кундалик ҳаёт билан боғланмаган. Энди фанларнинг амалий машғулотлар улуши 40 фоиздан 60 фоизгача оширилади. Бунда мавзулар аниқ муаммони ҳал қилиш орқали ўргатилади, амалиёт дарслари эса лойиҳани бажариш шаклида ўтказилади.

Мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида педагогларни сертификатлаш тизими йўлга қўйилади. Яъни, ишга кираётган педагог 1 йил давомида ўқитувчи-стажёр сифатида фаолият юритиб, шу муддатда сертификат олиши керак бўлади.

Ўқитувчиларга малака тоифасини бериш бўйича синовлар 2 босқичда ташкил этилади. Биринчи босқичда талабгорнинг мутахассислик фани бўйича билими, иккинчисида педагогик маҳорати баҳоланади. Малака сертификати олган педагогларнинг ойлик маошига 70 фоизгача миқдорида устама тўланиши мумкин.

Шунингдек, боғчаларга малакали тарбиячиларни жалб қилиш учун 2024 йил 1 июндан уларнинг иш ҳақи ставкалари мактаб ўқитувчилариникига тенглаштирилади.

Умумтаълим мактабларига бюджетдан ташқари маблағлардан эркин фойдаланиш ҳуқуқи берилгани уларнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳамда ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Энди бу тартибни боғча ва ихтисослашган мактаблар учун ҳам қўллаш мўлжалланмоқда.

Малакали раҳбарлар муҳитини шакллантириш мақсадида ҳудудларда энг тажрибали директорлардан иборат "Директорлар кенгаши" ташкил этилади. Энди мактаб директорлари лавозимга мазкур кенгаш тавсияси билан очиқ танлов асосида тайинланади.

Шунингдек, вазирликнинг туман (шаҳар) бўлимларининг мактаблар фаолиятини текшириш ва таълим сифатини баҳолаш ваколатлари тугатилади. Хусусий мактабларни ташкил қилишда қўйилган талаблар енгиллаштирилади.

Йиғилишда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, хусусий секторни жалб қилган ҳолда замонавий тўгараклар очиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, тизим фаолиятини трансформация қилиш, ўқитувчиларнинг малакаси ва рағбатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

## Республикамизда кўп қаватли уйлардаги хонадонлар СОНИ ҚАНЧА?

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони **1 464,5 мингта**ни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **62,1 мингта**га ошган.

**ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРДАГИ КВАРТИРАЛАР СОНИ:**




ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# Иқтидорли ёшлар ва мураббийлар муносиб тақдирланди



**Сўнгги йилларда юртбошимизнинг мамлакатимизда спортни ривожлантириш, хусусан, оғир атлетика бўйича ёшларимизнинг жаҳон аренасида тутган ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги эътиборлари бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Нуфузли мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган оғир атлетикачиларимиз сони тобора ортмоқда. Бу эса ҳар бир ватандошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири – Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раиси Батир Закиров ана шундай ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўсмирлар ўртасида Жаҳон чемпионати ва катталар ўртасида Осиё чемпионатида юқори натижаларга эришиб, юртимиз номини халқаро ареналарда муносиб ҳимоя қилган спортчилар ҳамда мураббийлар билан учрашди. Вазир иқтидорли ёшлар ҳамда мураббийларни нуфузли халқаро мусобақалардаги муносиб иштироклари билан қутлади ва эсдалик совғаларини тақдим этди.

– Сизнинг ҳар бир ғалабангиз ортида устозларингиз меҳнати, ота-онангизнинг юксак ишончи ётади, – деди Батир Закиров. – Аввало, сизни шундай иқтидорли қилиб тарбиялагани учун уларга миннатдорлик билдираман. Ватан шаънидек юксак масъулиятни оқлаётганингиз учун раҳмат, ҳар бир ғалабангиз спорт тарихида янги саҳифа очади.

# Ишчи гуруҳ йиғилиши ташкил этилди

**Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида Президент Администрацияси масъуллари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева, Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Ҳабибулла Мирсоатов, Тошкент шаҳар ИИВ бошлиғи ўринбосари Равшан Султонхўжаев, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъуллари ва бошқа соҳага дахлдор ташкилотлар вакиллари иштирокида ишчи гуруҳ йиғилиши ташкил этилди.**



Йиғилишда тумандаги барча кўп қаватли уйларнинг муаммоларини тизимли ўрганиш, аҳоли муаммолари билан ишлаш, шу билан биргаликда уйлар атрофининг ободлигини сақлаш бўйича масъулларга топшириқлар берилди. Шунингдек, мулкдорлар розилигига эриша олмаётган бошқарув ташкилотлари фаолиятини кўриб чиқиш масаласи илгари сурилди.

# Бошқарма бошлиғи ёшлар билан учрашди

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Азиз Худайназаров раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузилиб, Фаровон маҳалласида истиқомат қилувчи "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турувчи ва ишлашга лаёқатсиз, ногиронлиги мавжуд ёшлар билан учрашув ўтказилди.**



А. Худайназаров ёшлар билан суҳбатлашиш жараёнида уларнинг қизиқишларига алоҳида эътибор қаратди. Айрим ёшлар рассомчилик, шеър ёзиш ҳамда тикувчиликка қизиқишини айтишди. Жумладан, Меҳнатсевар кўчасининг 8-уйида истиқомат қилувчи 2003 йилда туғилган Азиза Абдуллаева турли расмлар чизишга қизиқишини билдирди ва ўзи чизган суратларни кўрсатди. Шу билан бирга, Ҳамдўстлик кўчасида истиқомат қилувчи, 1996 йилда туғилган Отабек Джуманов эса шеър ёзишга қизиқишини айтиб, ижод намуналаридан ўқиб берди. Бошқарма бошлиғи ёшларга қизиқишларига кўра кўмак кўрсатишни билдирди.

Учрашувлар давомида ногиронлиги бор, ишга яроқсиз, кам таъминланган ёшларга даволаниш учун имкониятлар яратиб бериш мақсадида "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич уларни шифохоналарда даволаниши учун имконият яратиб бериш чоралари белгилаб олинди.

ҲУДУДЛАР: **СУРХОНДАРЁ**

# АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ЯНАДА ФАРОВОНЛАШАДИ



Камолиддин ЭШМАТОВ, Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

**Бугун ҳар қандай ҳудудига қай бир ҳудудига бормайлик, янги уй-жойлар, замонавий таълим даргоҳлари ва бошқа объектларни қуришга кўникиб қолдик. Чунки азалдан бунёдкорлик фазилатини ўзида жо қилган халқимиз иморат қуриш ва ободонлаштириш ишларини ҳамжиҳатликда бажариб келган.**



Бунёдкорлик ишлари Сурхондарё вилоятида ҳам кенг қамровда амалга ошириляпти. Хусусан, вилоятнинг 4 та ҳудуди – Ангор, Бойсун, Сариосиё ва Жарқўрғон туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари доирасида кўплаб уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиб, уларнинг олди яқинда ўз эгаларига топширилди. Бугун бу ерда жами 1 минг 600 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Вилоятнинг шимолий чегара ҳудуди ҳисобланган биргина Сариосиё туманидаги "Лутфкор" МФЙдан ажратилган 31 гектар майдонда 90 га яқин кўп қаватли уйлар, эко бозор, умумтаълим муассасалари, боғча, оилавий поликлиника, мини футбол майдонлари ва 10 дан ортиқ савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қуриляпти.

Қурилиш-бунёдкорлик ишлари вилоят маркази – Термизда ҳам жадаллик билан олиб боріляпти. Мустақилликнинг дастлабки йилларида, аниқроғи, 1991 йилга қадар Термиз шаҳрида асосан икки ва тўрт қаватдан иборат 321 та уй мавжуд эди. Кейинги йилларда эса вилоят марказида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида 421 та янги, замонавий кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилди. Умумий майдони 866 минг квадрат метр бўлган 15 минг 466 хонадон фойдаланишга топширилди. Янги барпо этилган иморатлар Термизнинг тарихий ва замонавий қиёфасини умумлаштириб, шаҳарга ўзгача кўркам қиёфа бағишлаяпти.

▶ 3-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42 (695) 2023 йил 23 май

# Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасида янгича ёндашувлар

**Ўткир НУРАЛИЕВ,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали бош мутахассиси.

**2022 йилда “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали томонидан 1 590 та лойиҳа-смета ҳужжати кўриб чиқилиб, уларга тегишли экспертиза хулосалари берилган бўлса, жорий йилнинг 1-чорагида 123 та экспертиза хулосаси буюртмачиларга тақдим этилди.**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали мутахассислари лойиҳа олди ҳужжатлари ва лойиҳа-смета ҳужжатларини Президентимизнинг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги буйруқлари, шунингдек, амалдаги шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда қоидаларига мос равишда экспертизадан ўтказилишини таъминлаб келмоқда.

Жумладан, ўтган 2022 йилда “Навоий уран” давлат корхонаси пластик қувурлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехи ҳудудида маъмурий-маиший бино қуриш лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. Бунда бинонинг устуворлиги, зилзилабардошлиги, ёнғинга чидамлилиги, хавфсизлиги сингари жиҳатларга эътибор қаратилиб, камчиликлар юзасидан тегишли хулосалар берилди. Шунингдек, инвестиция дастурлари доирасидаги объектлар ҳисобланган “Навоий КМК” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ ва бошқа бир қатор йирик корхоналар объектларини тадқиқ қилиш жараёнида ҳам аниқланган камчиликлар ўз ўрнида бартараф этилди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиботларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими жорий қилингани ҳам соҳада очиқлик ва қулайликни таъминлаш билан бирга, янгича ишлаш тизимини юзага келтирди. Унга кўра, объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш электрон тарзда йўлга қўйилгани, буюртмачи, лойиҳачи ҳамда экспертиза ташкилотларига кўплаб қулайликлар яратмоқда.

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 октябрдан шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини амалга оширишда шаҳарсозлик ҳужжатлари “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали кўриб чиқилиши, давлат маблағлари, давлат кафолатига олинган ташқи инвестиция маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ишларнинг лойиҳа ҳужжатлари “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ёки унинг ҳудудий филиаллари томонидан кўриб чиқилиши белгиланган. Шунингдек, бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар лойиҳа ҳужжатлари аккредитация қилинган юридик шахслар, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ёки унинг ҳудудий филиаллари томонидан кўриб чиқилиши кўрсатилган. Ижобий экспертиза хулосалари “Экспертиза хулосаларининг ягона реестри”га киритилган тақдирда ҳақиқий деб тан олиниши, муҳим жараёнларни шаффоф кўринишга келтиргани ҳам тизимда яхши ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, экспертизадан ўтказганлик учун хизматлар ҳақини табақалаштирилган тартибда ҳисоблаш тизими жорий этилиб, лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқувчи эксперт – мутахассисларни аттестациядан ўтказиш ва уларни сертификатлаш тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизим орқали “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали мутахассис ходимлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан энергия самарадорлик, ёнғин хавфсизлиги ва конструкция йўналишлари бўйича ўз малакаларини ошириб, тегишли сертификатларга эга бўлишгани ишда креативлик, билим, тажриба, янгича ёндашувни шакллантиряпти.

Бугунги кунда филиалда малакали мутахасислар – З. Шукуров, А. Жохов, Р. Темирова ва Д. Батирова каби малакали мутахассислар иш самарадорлигини ошириш, ёшларга билим ва тажриба ўргатишда бошқа ҳамкасбларига ибрат бўлиб келмоқда.

# КЎПРИК ҚУРИЛИШИ ВА ЙЎЛ ТАЪМИРЛАШ АВЖИДА

**Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда равон ҳамда хавфсиз йўл инфратузилмасини қуриш, ўз манзили сари ошиққан пиёдаю ҳайдовчиларга қулайлик яратиш, ёзу қиш чилласида айнан йўлларда дуч келинадиган қийинчиликларга барҳам бериш мақсадида Вобкент туманида ҳам қатор чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, бу борада ички йўллар пешма-пеш таъмирланиб, асфальт қилинаётгани ёки кўп йилга чидамли бетон ётқизилаётгани аҳоли учун катта қулайликдир.**



– Жамоамиз билан ҳудуддаги 178 километрдан ошиқ йўл қисмига хизмат кўрсатиб келмоқдамиз, – деди туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Неъмат Қурбонов. – Шундан, 32 километр йўл қисми республика аҳамиятидаги, 147 километри эса маҳаллий аҳамиятидаги йўллар ҳисобланади. Энг кўп маблағ тақозо қилинадиган йўл тармоғида ўтган йил давомида “Обод қишлоқ” давлат дастури асосида умумий қиймати 15 миллиард 700 миллион сўм эвазига 40 километр йўл қисми асфальт қилиниб, қарийб 50 километрга тенг ички йўлга шағал бостирилди. Туман марказий кўчаларини обод қилиш ва кўркам қиёфага келтириш мақсадида ўтган йили пиёдалар ҳамда велосипед йўлакларини қуришга 6 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, бугун бу ҳудудда йўл таъмирлаш ишлари салмоғи янада ортган.

Хусусан, “Латифсобунгар” МФЙдаги Қатаған, Латифсобунгар ва Талпушмон қишлоқлари, шунингдек, Қурувчи маҳалласининг Ўзбекистон кўчасида таъмирлаш-тиклаш ишлари якунига етказилиб, равон йўллар халққа хизмат қилмоқда. Ҳозирда Латифсобунгар қишлоғининг 6 минг 600 метр ички кўчалари асфальтлаштирилиб, Нарчоқ қишлоғи йўлининг 1 минг 300 метр масофадаги ички йўл қисмига бетон ётқизиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Қурувчи маҳалласининг Ўзбекистон кўчасидаги 1 минг 800 метр масофадаги ички йўлни бетонлаштириш ишлари ҳам якунланиш арафасида.

Шунингдек, Арабхона маҳалласи аҳолисини ҳам узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган муаммо айнан йўл масаласи эди. Одамлар ўқишга, ишга ёки бошқа юмуш билан қишда лой, ёзда чанг йўллардан қатнашга мажбур бўлишарди. Ниҳоят, жорий йил дастлабки ойларидан йўлсозлар манзилли йўл таъмири дастурига Арабхона маҳалласидаги йўлни текислаш, йўл асосини тайёрлаб, тош-шағал, асфальт ётқизиш, бетонлаштириш ишларини киритишди. Ҳозирда ҳудуд йўлсозлари томонидан бу борада амалий ҳаракатлар бошланган.



Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган инфратузилмани ривожлантириш инвестиция дастури асосида жорий йилда вилоятда йўл таъмири борасидаги лойиҳалар учун 69 миллиард 500 миллион сўм маблағ молиялаштирилган. Бу маблағлар жойлардаги таъмирталаб йўл ва яроқсиз кўприкларни манзилли қайта қуришга сарфланади.

Жумладан, “А-380” русумли “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобиль йўлининг 368,1 километри ҳамда “4Р-74” русумли автомагистралдаги “Учқир газ кони” автомобиль йўлининг 5,8 километр қисмидан кесиб ўтувчи “Ўнг қирғоқ” коллектори устида 2 дона янги кўприк қуриб фойдаланишга топширилади. Мазкур ишлар учун жорий йилда 27 миллиард сўм маблағ ажратилган. Шу кунларда “А-380” русумли “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобиль йўлининг 368,1 километрида “Ўнг қирғоқ” коллектори устидан янги кўприк қуриш ишлари старт олган. Мазкур иншоотнинг умумий қиймати 26 миллиард 535 миллион сўм бўлиб, бунда буюртмачи ва пудратчи – Навоий вилояти кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида 14 миллиард 15 миллион сўмлик қурилиш-бутлашга доир келишув шартномаси тузилган. Шу кунга қадар бу манзилда пудратчи субъекти томонидан бажарилган иш ҳажми 8 миллиард 459 миллион сўмга тенг бўлиб, қурилиш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Янги, замонавий ва мустаҳкам кўприк қурилишини шу йил якунигача тўлиқ битказиб, фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Эътиборлиси, ўтган йил давомида бажарилган ишлар, йўл қурилишига доир ўтказилган тендер танловларидан иқтисод қилишга эришилган қиймати 90 миллиард сўм маблағ ҳисобидан вилоят миқёсида қўшимча 150 километрга тенг ички йўл таъмири лойиҳалаштирилган. Бу борада амалий ишлар аллақачон бошланган. Жорий йилги режа эса шаҳар ва туманлар миқёсида 1 минг 500 километрга етказилган. Шу йил ўтган уч ойида жойларда йўлсозлар жамоалари томонидан 368 та йўл иншоотидан 60 га яқин манзилда белгиланган ишлар тўла-тўкис адо этилиб, равон йўл фойдаланишга топширилган. Йўл таъмири ва хизмат кўрсатишда туманлардаги йўлсозлик жамоалари, шунингдек, Бухоро кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳамда Бухоро ҳамда Ромитан йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхоналари жонбозлик кўрсатмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА ФОРУМИ

## келажакда йирик лойиҳа ва ҳамкорликларга асос бўлди

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

**Хабарингиз бор, Тошкент шаҳрида Энергетика форуми доирасида халқаро нефть-газ ва энергетика ҳамжамиятининг етакчи вакиллари иштирокида кўргазма ва анжуманлар бўлиб ўтди.**




Хусусан, бу йил ўзининг 25 йиллигини нишонлаган “Ўзбекистон нефть ва гази – OGU” флагман кўргазмаси нефть-газ, тоғ-кон ва энергетика тармоқларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. У Ўзбекистоннинг UzBuild (қурилиш), MiningMetals Uzbekistan (тоғ-кончилик, металлургия), Power Uzbekistan (энергетика) каби сўнгги пайтларда OGU билан ҳамкорликда ўтказилаётган энг йирик кўргазмаларининг бош ташкилотчисига айланди.

Таъкидлаш керакки, бу йилги Ўзбекистон энергетика форумида XVI Халқаро “Энергетика, энергия тежаш, муқобил энергия манбалари – Power Uzbekistan 2023” кўргазмаси ва “Яшил энергетика технологиялари – GETCA 2023” ихтисослаштирилган бўлими ҳам муносиб ўрин эгаллади. Углерод нейтрал энергетикага ўтиш, атроф-муҳитга зарарни камайтириш бўйича кенг кўламлиислоҳотлар даврида ушбу тадбирлар инновациялар билан танишиш ва профессионал алоқаларни кенгайтириш учун самарали хизмат қилиши, шубҳасиз.

Айтиш керакки, “Power Uzbekistan – 2023” Марказий Осиё минтақасида саноатнинг етакчи кўргазма тадбири бўлиб, йилдан-йилга экспонентларнинг миқдори, сифати, географияси ҳамда қатнов кўрсаткичлари яхшиланмоқда.

Кўргазмада иштирок этган компания вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

– Корхонамиз 2018 йилда Қозоғистонда иш бошлаган, – деди “Center for Energy and Environmental Research” компанияси ходимаси Молдир Карлибаева. – Корхонамиз асосан, шамол электр станцияларини ўрнатиш билан шуғулланади. Шунингдек, сутканинг кўп қисмида шамол эсиб турувчи жойларни аниқлаш бўйича тадқиқот ва таҳлиллар ҳам ўтказамиз. Компаниямиз керакли техникаларни АҚШ ва Германиядан импорт қилади. Икки ой олдин Қорақалпоғистонга ҳам 1 та шамол электр станцияси ўрнатдик. Ҳозирда Марказий Осиёда жами 15 та шамол электр станцияси мавжуд бўлиб, уларнинг ўндан ортиғи Қозоғистонга тўғри келади.

Шунингдек, “Power Uzbekistan – 2023” кўргазмасида Туркия миллий павильони экспозицияси кетма-кет иккинчи йил намойиш этилди. Унда 13 та компания иштирок этиб, бензин ва дизел генераторлари, қуёш энергияси ускуналари, ўрта кучланишли электр узатиш мосламалари ва тўлиқ трансформатор подстанциялари каби маҳсулотларини намойиш этишди. Ҳиндистон илк маротаба миллий павильон билан иштирок этиб, яхши натижаларни кўрсатди. Ҳиндистон стендларида энергия ва энергия самарадорлиги бўйича ечимлар намойиш этилиб, трансформаторлар, бошқарув панеллари, реле ҳимояси, портлашга қарши ҳамда об-ҳаводан ҳимоя қилиш ускуналари, қуёш панеллари, қуруқ турдаги трансформатор сегменти ва бошқаларни кўриш мумкин.

Маълумки, Осиёда ишлаб чиқариш бўйича Хитой алоҳида ўрин тутади. Кўргазмада ушбу давлатдан келган компания вакиллари билан ҳам суҳбатлашдик.

– 2011 йилда ташкил этилган компаниямиз қуёш панеллари ишлаб чиқариш билан шуғулланади, – деди “Anhui Wingo Technology Co., Ltd.” компанияси ходими Гуодонг Сонг. –Кўргазма бизга жуда маъқул. Чунки корхонамиз томонидан яратилаётган маҳсулотларга Ўзбекистонда талаб анча юқори экан. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида иқтисодий ҳамкорлик алоқалари янада ортган. Кўргазма туфайли келгусида кўплаб ҳамкорлар орттириш ва янги тажрибалар билан ўртоқлашишни ният қилганмиз.

Шунингдек, кўргазмага маҳсулотлар харид қилиш ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий корхона вакиллари ҳам кўплаб ташриф буюришди.

– Кўргазмага корхонамиз учун техник воситалар сотиб олиш учун келдик, – деди Қибрай туманида жойлашган “Восток энергия” хусусий корхонаси инженери Қудрат Исмоилов. – Корхонамиз турли кучланишли трансформаторлар ва подстанциялар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Кўргазмада турли замонавий ва энг сўнгги русумдаги техникалар билан танишдик. Ишлаб чиқарган маҳсулотларимизнинг сифатини текшириш учун керак бўладиган ўлчов воситаларини харид қилдик. Айниқса, АҚШ компаниясининг маҳсулотлари бизга маъқул бўлди. Келгусида улар билан ҳамкорлик ўрнатишни режалаштирдик.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда электр ва газ таъминоти объектларини замонавийлаштириш, янги электр узатиш объектларини қуриш, қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасини ривожлантириш айни пайтда кун тартибидаги масалага айланди. Бу борада инвестицияларни жалб қилиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу кўргазма ҳам келажакда йирик лойиҳа ва ҳамкорликларга асос бўлади.

# Маҳаллалардаги муаммолар ечим топяпти

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,** журналист.

**Тошкент вилоятида жорий йил маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ 964 та манзил обод бўлиши учун жиддий ишлар олиб борилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида биргина Қибрай туманининг 42 та маҳалласида 53 та лойиҳа бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 48,5 млрд сўм маблағ ажратилган. Бугунги кунда ана шу манзилларнинг аксарият қисмида бунёдкорлик ишлари якунига етказилди.

Айтиш жоизки, туманда 12 та оғир ҳудуд бўлиб, бу жойдаги кўплаб муаммолар ҳал этилмоқда. Жумладан, Қипчоқ маҳалласида сув ўтказиб берилди. Ифтихор, Ғафур Ғулом ва Беруний маҳаллаларида эса канализация масаласи ҳал қилинди. Эски симёғочлар ўрнига бетон тўсинлар қўйилиб, трансформаторлар алмаштирилди. Дўрмон маҳалласида янги қурилган маъмурий бино ҳам аҳолига муносиб хизмат кўрсатмоқда. Мазкур маҳаллада 3 минг 638 нафар фуқаро истиқомат қилади. Бугунги кунда аҳоли тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминланган. Йўллар ҳам обод бўлмоқда. 2022 йилда 800 метр кўча асфальтлаштирилди. Бу йил яна 1800 метр йўл қисми асфальт билан қопланмоқда.

– Замонавий маҳалла биноси фойдаланишга топширилди, – деди Қибрай тумани “Нуронийлар” жамоатчилик кенгаши раиси Наврўз Алимов. – Бугунги кунда туманда 68 та маҳалла бўлиб, сўнги 2 йилда 30 га яқин янги маҳалла идораси қурилди. Президентимиз ташаббуси билан 26 та маҳалла идораси давлат хусусий шерикчилик асосида қуриб берилди. Жорий йилда яна 2 та маҳалла идораси қурилиб, 6 тасида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, 1 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 1 та қозонхона, 2 та маҳаллада тунги ёритиш тизими, 2 та ҳудудда пиёдалар йўлаги, 8 та манзилда ичимлик суви, 5 та маҳаллада оқава сув, 25 км ички йўллар, 2 та магистрал ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари сингари объектларда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда. Жумладан, Юқориюз маҳалласидаги мактабгача таълим ташкилоти ҳам дастурга киритилган бўлиб, яқинда тўлиқ реконструкциядан чиқарилди. Боғчада болаларнинг мароқли дам олиши ва машғулотлар ўтказиши учун барча қулайлик яратилган.

– Бу йил туманимизда кўплаб ўзгаришлар бўляпти, – деди 27-мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Гулнора Салимова. – Реконструкциядан чиқарилган боғчамизда тиббиёт хонаси, мусиқа зали, ошхона, ўйин майдончалари, ёзги айвончалар, сузиш ҳавзаси соз ҳолатга келтирилди. Таъмирдан чиққан боғчамиз эндиликда 180 нафар кичкинтойни ўз бағрига қамраб олди. Аввал 120 та ўринга мослаштирилган эди.

Ҳудудларда бўлаётган бундай ўзгариш ва янгиланишлар фуқароларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уларни эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

# Аҳолининг турмуш тарзи янада фаровонлашади



◀ 1-бет

Ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, 2021 йилда вилоятда жами 3 минг 700 хонадондан иборат 7, 9, 10 қаватли 87 та замонавий уй-жой қуриб битказилган. 2022 йилда эса 47 та 12, 14 ва 16 қаватли янги уйларга оилалар кўчиб киришган. Умуман, кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида умумий майдони 41 миллион квадрат метр бўлган 55 мингта хонадон фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Денов тумани мисолида оладиган бўлсак, илгари тор, қоронғу кўчалар, паст, пахса девору лойсувоқ уйларни кўриш мумкин эди. Бугун эса туманнинг қай бир маҳалласига кирманг, қайси бир кўчасига қараманг, барчасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Бир вақтлар қаровсиз ётган "Лочин" массивида бугун 450 хонадонга мўлжалланган 8 та 7, 9, 12 ва 14 қаватли, шунингдек, 4 та 16 қаватли 384 хонадонга эга замонавий уй-жойлар қад ростлади. Бу ҳам воҳада олиб борилаётган улкан ислоҳотларнинг яна бир намунасидир.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, туманда 563 та лойиҳанинг манзилли дастури ишлаб чиқилди. Бунинг учун 3 триллион 476 миллиард 581 миллион сўмга тенг маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

2023-2026 йилларда Сурхондарё вилоятида қарийб 6 минг хонадонли 238 та кўп қаватли уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Шунингдек, 1 минг 600 ўринли 4 та умумтаълим мактаби, 1 минг 500 нафар болага мўлжалланган 6 та мактабгача таълим ташкилоти, 500 қатновли тиббиёт муассасалари ва бошқа объектларни қуриш мўлжалланган. Бундан ташқари, кўзи ожизлар мактаблари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари қурилиши режалаштирилган.

Вилоятдаги инфратузилма объектларини қуриш ва ободонлаштириш ишлари шу билан якун топмайди. Амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан бирга, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, шунингдек, алоқа тармоқлари ва йўл инфратузилмаси ҳам яхшиланиб, аҳоли турмуш тарзи янада фаровонлашади.

# 200 дан ортиқ маҳалланинг ички йўллари таъмирланмоқда

**Мамлакатимизда ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга муҳим эътибор қаратилмоқда.**



Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Сурхондарё вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда 723 та маҳалланинг 200 дан ортиғида лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Бунинг учун 237, 8 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Натижада аҳолини йиллар давомида қийнаётган муаммолар ечим топади. Мазкур ҳудудларда ички йўллар, кўприклар, ичимлик суви, оқава сув, электр ва газ таъминоти, таълим муассасалари, маданият, спорт ва бошқа объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Хусусан, Бойсун тумани Газа маҳалласидаги Марварид кўчасининг 321 метр қисмига асфальт ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан аввалроқ Газа маҳалласидаги Қоровул тепа, Атиргул, Янги авлод, Бодомзор, Муборак кўчаларида ҳам қора қопламали асфальтлаш ишлари олиб борилган эди.

Шунингдек, ободонлаштириш, чиқиндиларни тозалаш, инфратузилмани ривожлантириш ва йўлларни таъмирлаш борасидаги ишлар Термиз шаҳридаги қатор маҳаллаларда ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Тупроққўрғон маҳалласи ички йўлларининг 1,2 километр қисмига цемент-бетон қопламаси ётқизиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда 700 метр қисмидаги ишлар якунига етказилди. 2,5 километр пиёдалар йўлакчасининг 1 350 метр қисми тўлиқ қуриб битказилди.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида 2 та болалар майдончаси қурилиши бошланиб, кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш, чиқиндиларни тозалаш, атрофни тартибга келтириш, дарахтларни буташ, оқлаш ишлари давом этмоқда.

# Газ баллон ташувчи машиналар учун махсус аравача

**Ҳар қандай янгилик ва ўзгариш замирида қулайлик яратиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсади мужассам. Газ таъминоти тизимида яратилаётган қулайликлар ҳам аҳолининг маиший эҳтиёжини таъминлашда самарадорликни оширмоқда. Айни кунда "Hududgaz Surxondaryo" газ таъминоти филиали томонидан вилоятнинг табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудлари истеъмолчилари ўз вақтида суюлтирилган газ билан таъминланмоқда. Уларга жорий йилнинг январь-март ойларида 19 минг 700 тонна суюқ газ етказилди.**

Шунингдек, суюлтирилган газ таъминотининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ҳам бир вақтнинг ўзида вилоятнинг суюқ газ етказиладиган барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда. Яъни, истеъмолчиларга суюлтирилган газ хариди учун махсус ID-карталар тақдим қилинди. Айни вақтга қадар вилоятдаги 475 209 нафар истеъмолчи ўз картасига эга бўлди.



Эндиликда вилоятда суюлтирилган газ таъминоти тизимида истеъмолчилар ва соҳа ходимлари учун яна бир қулайлик жорий қилинди. Яъни, вилоят бўйича аҳолига суюлтирилган газ маҳсулотларини етказиш ва ўрнатиб бериш хизматларини янада такомиллаштириш юзасидан хавфсизликни таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман газ таъминоти бўлимларидаги мавжуд маиший газ баллон ташувчи автотранспорт воситалари учун махсус аравача (тележка) ташкил этилди.

– Суюлтирилган газ тўлдирилган маиший газ баллонни ерда думалатиб ёки мўлжалланмаган транспорт воситасида хонадонга ташиш мумкин эмас, – деди филиал бўлим муҳандиси Ҳуснидлин Бердимуродов. – Ундан газ сизиб чиқиши, портлаши мумкин. Газ баллонларнинг муддатидан олдин носоз ёки яроқсиз ҳолга келишига ҳам аксар ҳолларда уларнинг хавфсизлигига эътибор бермаслик сабаб бўлади. Махсус аравача газ баллонни транспорт воситасидан хонадонгача ва транспорт воситалари юролмайдиган ҳудудларга хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда етказишга ёрдам беради. Иш унумдорлигининг ошишида ҳам унинг аҳамияти катта бўляпти.

Маълумот учун, айни вақтда вилоятда маиший газ баллон ташувчи 107 та автотранспорт воситаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси махсус аравача билан таъминланди.

# Олис қишлоқ аҳолиси соҳа хизматидан мамнун



**"Hududgaz Surxondaryo" газ таъминоти филиали "Олис манзиллар" лойиҳаси доирасида вилоятнинг энг чекка ва олис қишлоқларида яшайдиган аҳолига суюлтирилган газ баллонларининг етказилиши, хизматлар кўрсатиш даражасини ўрганмоқда.**

– Ўтган қисқа даврда лойиҳа доирасида вилоятнинг Сариосиё, Узун, Шеробод ва Бойсун туманларидаги ўнга яқин тоғли, энг олис маҳаллаларда бўлиб, истеъмолчилар билан учрашдик, – деди "Hududgaz Surxondaryo" газ таъминоти филиали ўринбосари Феруз Атамуродов. – Уларнинг суюлтирилган газ таъминоти билан боғлиқ фикрларини эшитдик. Мутахассисларимизнинг олис ва чекка ҳудудлардаги мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнини кузатдик. Осмонўпар тоғлар қўйнидаги айрим қишлоқларга, айниқса, қиш фаслида газ баллонларини етказиб бериш машаққатларига гувоҳ бўлдик.

Ана шундай манзиллардан бири Бойсун туманидаги Шифобулоқ маҳалласи Қашқадарё вилояти чегарасида, Термиз шаҳридан 200 чақирим олисда жойлашган. Маҳаллада 370 дан ортиқ газ истеъмолчиси яшайди. Лойиҳа иштирокчилари ва "Бойсунтумангаз" газ таъминоти бўлими ходимлари маҳаллага суюлтирилган газ баллонлари юкланган автомашина билан борди. Маҳаллий аҳолининг айтишича, тоғлар қўйнидаги бу гўша Шифобулоқ, деб номланишининг рамзий маъноси бор. Қишлоқдаги булоқ суви қадимдан турли тери касалликларига шифои-комил бўлиб келган. Ушбу касалликка чалинган инсонлар булоқ суви ёрдамида дардига малҳам топган.

– Қишлоққа Бойсун тумани марказидан келин бўлиб тушганман, – деди Бибисора момо Бобомуродова. – 70 ёшдаман. Дастлабки йилларда хонадонлар ўртасида девор йўқлиги, аёлларнинг меҳнаткашлиги, қўни-қўшнининг бир-бирига оқибатидан ҳайратда қолганман. Энди барчасига кўникиб кетдим. Айниқса, кейинги йилларда маҳалламиз тубдан ўзгариб, турмуш шароитимиз яхшиланди. Масалан, яқин йилларгача биз ёз фаслида қиш учун ўтин ғамлардик. Мана энди суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминландик. Бундай бўлишини хаёлимизга келтирмаганмиз. Барчаси учун раҳмат.

Атрофи осмонўпар тоғлар билан ўралган туманда шундай маҳаллалар борки, кўчаларида автотранспорт воситасида юришнинг ўзи мушкул иш. Шу боис, газ идораси ходимлари истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш учун махсус аравалар ташкил этган. Мазкур маҳалла хонадонларига ҳам газ баллонлари ана шундай махсус аравалар орқали етказиб берилади.

– Ҳар 35-40 кунда суюлтирилган газ баллонларимизни алмаштириб кетишади, – деди Гулхол Исмоилова. – Бунинг устига аравада уйимизга келтириб, ўрнатиб қўйишади. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бундан беш-олти йил аввал ишдан кейин тоғу даштдан ўтин йиғиб юрардим. Газ, дегани жоннинг роҳати экан. Ишдан ҳориб келсангиз, бир зумда овқатингиз пишади, чойингиз қайнайди. Инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган мамлакатимизда ёшу кексанинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча шароит яратилмоқда. Бу жараёнда олис, чекка ҳудудларда яшаётган юртдошларимизга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлидир.

Туман газ таъминоти бўлими ходимлари газ баллонларини тарқатиб бўлгунича маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашдик. Уларнинг турмуш тарзи, юз бераётган ўзгаришларга муносабати билан қизиқдик.

– Ҳар йили қанча дов-дарахт ўтин учун кесилмай, сақлаб қолинаётганини айтмайсизми, – дея гурунгга қўшилади Эшназар Сафаров. – Бундан беш-олти йил аввал шаҳарга тушиб қолсак, гапнинг тўғриси, уларга яратилган шароитларга ҳавасимиз келар эди. Газ, сув бор, электр энергия деярли ўчмайди. Уйининг ёнгинасида озиқ-овқатидан тортиб, кийим-кечагигача бўлган дўкон. Ўшанда қачон бизнинг маҳаллада ҳам шунга ўхшаш шароитлар яратилар экан, дея ўйлардик. Мана, эндиликда яшаш шароитимиз шаҳарникидан қолишмайди. Бу ишларнинг ташаббускори бўлган Президентимизга раҳмат. Илоҳим, мамлакатимиз тинч, юртимиз обод бўлаверсин.

Лойиҳа доирасида газчилар хонадонларга суюлтирилган газ баллонларини ўрнатиб, созлигини назоратдан ўтказишди. Аҳолига хавфсиз фойдаланиш тартиблари тушунтирилди. "Hududgaz Surxondaryo" газ таъминоти филиали мутасаддилари истеъмолчиларнинг хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини тинглашди. Қишлоқ оқсоқоллари сифатли хизмат учун фидойи газ ходимларига миннатдорлик билдирди. Дуога қўл очиб, йўллари ойдин, бехатар бўлишини тилади.

# Фуқаролар ҳаётига янгича мазмун кирмоқда

**Сув инсоният учун бебаҳо неъмат, тириклигимиз манбаи. Сув бор жойда ободлик, фаровонлик, тараққиёт бўлади.**

Аҳоли, айниқса чекка ва олис қишлоқларда яшовчиларнинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш, ушбу йўналишда йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг асосий йўналишига айланган. Дарвоқе, халқ билан мулоқот қилишнинг ўзига хос механизмининг амалга оширилаётгани ҳудудлардаги муаммоларни эрта аниқлаш ҳамда бартараф этишга замин яратмоқда. Хусусан, тоза ичимлик суви масаласида ҳам.

Бойсун – вилоятнинг энг йирик туманларидан бири. Тумандаги Шифобулоқ маҳалласида яшовчи кўп сонли аҳолини шу пайтгача тоза ичимлик суви таъминоти борасидаги муаммо қийнаб келаётган эди. Аҳоли ичимлик сувини бошқа жойлардан ташиб келиш ёки сотиб олишга мажбур эди. Фуқароларнинг турли идора ва ташкилотларга қилган мурожаати ҳам бесамар кетди.

Мана, яқинда маҳалла аҳолисининг ички кўчаларини таъмирлаш, кўприк қуриш ҳамда ичимлик суви учун зарур бўлган сув қувури ҳақидаги мурожаати ижобий ҳал этилди. Шифобулоқда белгиланган қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошланди. Вилоят ҳокими ташаббуси билан 2,800 метр сув қувури олиб келиниб, ҳозирда фуқаролар иштирокида ҳашар йўли билан ариқ йўлларини қазиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мана шундай муаммоларнинг ҳал бўлаётгани ҳам ўз навбатида аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қиляпти. Бугун халқни йиллар давомида ўйлантириб келаётган ва ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал бўлаётгани олис қишлоқ аҳолисининг ҳаётига янгича мазмун олиб кираётир.

# Жарқўрғон ва Шўрчида замонавий бозор қурилди

**Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари авж олмоқда. Буни сўнгги йилларда қурилган аҳоли турар жойларининг ўртача сони аввалгидан 4-5 баробар кўплигида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Сурхондарё вилоятида ҳам қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадаллик билан давом этмоқда.**

Яқинда Жарқўрғон тумани марказида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда барпо этилаётган янги замонавий корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, муҳташам таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Замонавий кўринишда бунёд этилган, умумий лойиҳа қиймати 1,9 млрд сўм бўлган "Аср" савдо комплексининг фойдаланишга топширилиши ҳам бу борадаги ишларга мисол бўла олади. Барча замонавий қулайликларни ўз ичида жам қилган савдо комплексида сотувчи ва харидорлар учун зарур шароитлар яратилган. Йиллик 5 млрд сўмлик хизмат кўрсатиш қувватига эга ушбу лойиҳа туфайли 42 та иш ўрни яратилган. Шунингдек, савдо комплексида 70 кВт қувватдаги қайта тикланувчи яшил энергия манбаси – қуёш панеллари ҳам ўрнатилган.




Ана шундай замонавий бозорлардан яна бири Шўрчи туманида ҳам очилди. Умумий қиймати 7,9 млрд сўм бўлган лойиҳа доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган "Шўрчи деҳқон бозори" фойдаланишга топширилди. 188 та савдо нуқтаси мавжуд бозор замонавий шаҳарсозлик нормалари асосида қайта реконструкция қилингандан кейин 600 та савдо нуқтаси ташкил этилди. Сотувчи ва харидорлар учун барча қулайлик яратилган. Ёзги ва қишки савдо расталари, автотураргоҳ, омборхона ва бошқа ёрдамчи бинолар ташкил этилган.

Ушбу лойиҳа ҳудуднинг архитектуравий қиёфасини янада яхшилаш ҳамда ободонлаштириш, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

– Аввал бозорда 188 нафар тадбиркор фаолият юритар эди, – деди Фахриддин Ҳасанов. – Эндиликда барча шароитга эга замонавий бозорда 600 нафар тадбиркор савдо-сотиқ билан шуғулланяпти. Кўрганда кўз қувнайдиган замонавий ва қулай бозор халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Албатта, сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган бозор кўзни қувонтиради. "Шўрчи деҳқон бозори"нинг замонавий қиёфа касб этишида тадбиркор Шафоат Жўраева раҳбарлик қилаётган "Янги усул бунёдкори" хусусий корхонаси ходимларининг хизмати беқиёс. Бозорнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов иштирок этиб, туман аҳолисини ушбу янгилик билан қутлади ва қурувчиларга миннатдорлик билдирди.

Саҳифани "O'zbekiston bunyodkori" мухбири Азиз МАШРАБОВ тайёрлади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42 (695) 2023 йил 23 май

Қўқон шаҳридаги бошқарув сервис компаниялари

# КЎҲНА ШАҲАРГА ЯНГИЧА ҚИЁФА БАҒИШЛАЯПТИ

**Орифжон ИСМОИЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бетакрор ва қадимий Қўқон сўнгги йилларда ўзгача чирой касб этаётган, улкан бунёдкорлик майдонига айланган шаҳар. Ҳақиқатан ҳам, бугун Қўқон таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кўҳна кентнинг бугунги қиёфаси нафақат меҳмонларни, балки аҳолини ҳам ҳайратга солмоқда. Қўқонда янги иншоотлар қад кўтариб, замонавий турар жойлар барпо этилиш билан бирга, маҳаллалар ҳам таниб бўлмас даражада ўзгармоқда. Буларнинг бари биринчи навбатда аҳолига ҳар жиҳатдан қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилаётгани қувонарлидир.**

Ҳозирги кунда шаҳардаги 737 та кўп қаватли уйга 8 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига ҳар жиҳатдан қулай имкониятлар яратиш, уй-жой мулкдорларига сифатли хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида соҳага хусусий сектор вакиллари жалб этилди. Бошқарув сервис компаниялари ўзларига бириктирилган кўп қаватли уйларга 40 дан ортиқ хизмат турларини кўрсатишмоқда.

Хусусан, Қўқон шаҳридаги "Хўқанди латиф" бошқарув компанияси "Райҳон", "Янгиобод" ҳамда "Туркистон" МФЙлари ҳудудида жойлашган 120 та кўп қаватли уйга хизматлар кўрсатиб келмоқда. Компанияда ҳозирда 20 нафар ишчи-ходим фаолият юритади. Компания моддий-техник база ва махсус асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Бугунги кунда соҳага хусусий секторнинг жалб этилиши натижасида тизим бутунлай ўзгариб, фуқароларга коммунал хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди. Мониторинг таҳлилларига кўра, "Хўқанди Латиф" бошқарув сервис компанияси ҳозирга қадар 3 млрд сўмдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширди. Хусусан, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари, том қисми, коммуникация тармоқлари эскирганлиги туфайли улар замонавий полиэтилен трубаларга алмаштирилиб, кўчалардаги ёритиш тизимлари тўлиқ янгиланди. Лед чироқлари ҳамда энергиятежамкор қурилмалардан самарали фойдаланилмоқда.



Шунингдек, бошқарув компанияси томонидан аҳоли маблағлари ҳисобидан 48 та кўп қаватли уйнинг том қисми ҳамда 37 та кўп қаватли уйнинг кириш йўлаклари таъмирдан чиқарилди. 98 тасининг электр кабеллари янгисига алмаштирилиб, 80 тасининг ертўлаларидаги канализация қувурлари таъмирланди. 34 та кўп қаватли уйнинг фрамуга ойналари алмаштирилиб, уйларнинг ён-атрофига 400 дан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди, атроф кўркамлаштирилди.

– "Хўқанди латиф" бошқарув сервис компанияси фаолиятидан хурсандмиз, – деди шу ҳудудда яшовчи фуқаро Муҳаббат Баҳромова. – Аҳолига ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 24 соатлик диспетчерлик хизмати ташкил этилган. Кўп қаватли уйлар атрофини тоза ва озода сақлаш, маиший чиқиндилардан тозалаш бўйича кундалик назорат тизими ўрнатилган. Йўлаклар, болалар майдончалари, янги ўрнатилган ўриндиқларнинг барчаси аҳолига қулайлик яратиш мақсадида барпо этилаётганидан хурсандмиз.

Буларнинг бари ҳудуд қиёфасини обод қилиш ва аҳоли турмуш тарзини фаровонлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, ҳар битта кўп қаватли уйнинг паспорти ишлаб чиқилиб, аҳолининг маълумотлар базаси яратилгани ҳам компания ва аҳоли ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилишига замин яратди.

Қўқон шаҳридаги яна бир бошқарув сервис компанияси "Қўқон иншоот қурилма бошқарув ташкилоти" МЧЖ бўлиб, "Мустақиллик", "Олтин водий", "Зилол", "Дўстлик", "Давронбек", "Узумзор" МФЙларидаги 183 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади.

– Фаолиятимиз давомида ҳар бир уйни хатловдан ўтказиб, 3 тоифага, яъни, – энг оғир, ўртача ва яхши тоифаларга ажратиб олдик, – деди жамият раҳбари Ҳусан Азизов. – 51-маҳалла ҳудудида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари асосида катта таъмирлаш ишлари бажарилди. Қишга тайёргарлик ишлари бўйича 183 та хонадон том қисмининг 8187 кв майдонида таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2022 йилдан бугунга қадар 62 та кўп қаватли уйларнинг электр тақсимлаш шитлари, 26 тасининг фасад қисми, 37 тасининг эса ички муҳандислик коммуникация тизимлари таъмирланиб, янгисига алмаштирилди. Бундан ташқари, фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида 6 та ёзги айвон ва ўриндиқлар ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган бу ишлар ортида "Инсон қадри учун" деган тамойил мавжуд. Юртимизнинг қайси ҳудудида яшашидан қатъи назар, юртдошларимиз ўз ҳаётларидан рози бўлиб, муаммолар юзага келганда тезкор ечим учун мавжуд тизимдан фойдалана олса, эртанги кунга умиди янада ортади. Ислоҳотларнинг мақсади ҳам аслида, шу.

# БСКда кўргазмали семинар ўтказилди



**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Нукус шаҳри "Гулзар" МФЙ ҳудудидаги "NUKUS KOMMUNAL SERVIS" бошқарув сервис ташкилотида кўп квартирали турар жойларни бошқариш соҳасини янада ривожлантиришни самарали ташкил этиш, уй-жойлар фондини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

Семинарда асосан, Нукус шаҳридаги кўп квартирали турар жойларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари томонидан амалга оширилаётган ишлар, соҳада жорий этилаётган реформалар, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда турар жой фондини мустаҳкамлаш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, кўп квартирали турар жойларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, энергия тежовчи технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Кўргазмали семинарда кўп квартирали турар жойларда иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланиш, марказлашган иссиқлик тизими ва икки контурли иситиш қозонларининг афзалликлари, кўп квартирали турар жойларда қуёш панелларини ўрнатиш орқали электр энергиясини тежаш, уларнинг самарадорлиги, техник имкониятлари бўйича тегишли мутахассислар ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, ҳисоб-китобларга асосланган ечимларни иштирокчиларга тақдим этишди.

Бундан ташқари, семинар давомида иштирокчилар "NUKUS KOMMUNAL SERVIS" бошқарув ташкилоти томонидан йўлга қўйилган хизматлар, бажарилган ишлар, ходимларга яратилган шароитлар, ташкилотнинг моддий-техник базаси билан яқиндан танишиб, тажриба алмашишди.


# ИК "СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА" ПРИ ФЕРГАНСКОМ ОБЛАСТНОМ ХОКИМИЯТЕ

## ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

**Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечение в виде банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-FER-W-28 | Строительство зданий и сооружений нового дошкольного образовательного учреждения на 90 мест на территории МСГ "Себзор" Сохского района Ферганской области | 4 365 006 335 | 130 | 87 300 127 |

**ИК "Служба единого заказчика в сфере строительства" при Ферганском областном хокимияте**

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проходить в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 330 000 сум с НДС.

**Получатель:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области.

**Банковские реквизиты:** р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 Ферганский филиал АКБ "InFinBank" МФО 01128 ИНН 202 529 457.

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 18.00 (по ташкентскому времени) 13 июня 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Организация для подачи предложений:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области.

**Адрес:** Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111"б".

**Тел.:** 99-615-68-91, 615-68-92.

**E-mail:** fartender@mail.ru

**Ответственный представитель Консалтингового центра:** М. Содиков.



# "Qashqadaryo kim oshdi savdo" МЧЖ

## ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2023 йилнинг 22 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб, Қарши шаҳар, 4-митти туман ҳудудида жойлашган жамият офиси биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога "Қашқадарёсувқурилиш-инвест" давлат муассасасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:**

2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 694 GBA бўлган, техник ҳолати носоз "Нексия" русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 11 365 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 21 июнь куни соат 13.00да тўхталади.

Очиқ аукцион савдода қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача "Qashqadaryo kim oshdi savdo" МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳар, 4-митти туман, **мўлжал:** "Парвина" кафесининг ўнг ёни)да қабул қилинади.

Ғолиб харидорлар 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартнома тузишлари ва мулк қийматини олди-сотди шартномада кўрсатилган муддат ичида тўлаб беришлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона устави, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: "Qashqadaryo kim oshdi savdo" МЧЖ, АТИБ "Ипотека-банк" Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақам 2020 8000 5043 9626 6001 СТИР 205 560 394.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.
**Мўлжал:** "Парвина" кафеси ёнида.
**Телефон:** 95-505-08-99

*1665 рақамли гувоҳнома.*


# Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

*Май ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган*

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси бошлиғи **Азизхўжа Азизов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси кадрлар бўлими бош мутахассиси **Гулбаҳор Мирзаева,**

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ Бош режа ва вертикал режалаштириш сектор бошлиғи **Ольга Демерза,**

"Ташгипрогор" АЖ 1-сонли архитектура-қурилиш сектор техник-архитектори **Назокат Каримжанова,**

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши тизимидаги Наманган вилояти ҳудудий Кенгаши раиси **Феруза Эрматова,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассиси **Элбек Жумаев,** Коғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Заршед Тўхтаев,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ахборот коммуникация технологиялари бўйича мутахассиси **Зарифжон Абдураимов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Аман Курбанов,** Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази бош ҳисобчиси **Айсулу Абдираманова,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси АКТ мутахассиси **Ферузжон Истамов,**

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси мутахассиси **Мираббос Улуғмуродов,** Қуйи Чирчиқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектори **Нурсейт Акимджанов,**

Хоразм вилояти, Хива тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Шерзод Атажанов,**

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги "Angren City Central Service" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Татьяна Лехнер,** Чиноз туманидаги "БК касандра сервис" МЧЖ бош директори **Ерлан Садуев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**


IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**



**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.



**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.



Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-537.
1742 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 21.45.
Топширилди – 22.20.

1 2 3 4 5 6